

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

РўЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН



Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

1992 йил 7 март • шанба

№ 48 (10.297). Баҳоси 1 сўм.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, ҚАДРЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 8 МАРТ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖУМЎУРИЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА ТАБРИКНОМАСИ

Мўътабар онажонлар!
Мухтарама опа-сингиллар!
Лобар қизларимиз!

Баҳор нафаси кезаётган ушбу айёмда — халқимизнинг улугвор Наврўз шодиёналари арафасида сизларни байрамингиз билан қутлайман ва барчангизга дилдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Сиз ҳаётимизнинг кўрни ва маъносидирсиз! Хонадонимизнинг файзи ва сеҳри, юракларимизнинг қўри ва ғурури сиз билан!

Сизларни оила фариштаси, муҳаббатимиз маъбудаси, орзумиз чароғи деб эъзозлаймиз, ҳурмат қиламиз.

Сиз турмуш ачиқ-чучуқларини ҳамма билан баравар, балки кўпроқ татиб келасиз. Оила мустақамлиги, расм-русум, анъаналар собитлиги сизнинг меҳри қалбингиз туфайлидир.

Ҳарбий хизматдаги, ўқишдаги, боғчадаги фарзандларнинг бор ташвиш ва соғинчи кўпроқ сизнинг юрагингизда, ҳаёлингизда, елкангизда.

Нафақат ўз уйини, ишни, бутун бошли қорхона ва жамоаларни гулла-тиб келатган минг-минглаб аёллари-

мизни биламиз ва қадрлаймиз.

Бугун аёлларимизнинг кўплаб муаммолари ва қийинчиликлари борлиги ҳам маълум. Уларни ҳал этиш бизнинг бурчимиздир.

Биз доимо камтарин аёлларимиздан қарздорлигимизни ҳис этиб яшаймиз.

Азизларим, меҳрибонларим!

Умидлар фасли — баҳор эшик қоқмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қабул қилинганимиз шу кунларда биз Она деб эъзозлайдиган еримиз, Ватанимиз — мустақил Ўзбекистон ўзининг янги баҳори, синовлари ташвишлар, қувончлари умидлар фаслига катта ораулар билан пeshвоз чиқмоқда. Илоҳим, орауларимиз амалга ошгай!

Келажагимиз Сизнинг меҳнатингиз, меҳру дуоларингиз билан янада баракали ва нузли бўлишига ишонаман.

Яна бир қарра табригимни қабул этгайсиз. Барчангизга омад, севинч, ғўзаллик доим ёр бўлсин!

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ислом КАРИМОВ.

Хотин-қизларнинг бу йилги анъанавий байрамлари мустақил Ўзбекистонимизнинг илк баҳор кунларида ўзгача файз ва шукуҳ касб этмоқда. Албатта, ҳозирги иқтисодий ва маънавий тақчиллик ҳукм сураётган бир пайтда байрам сўзининг ўзи ҳам кишига эриш туюлади. Лекин ер юзиде тириклик бор экан, ҳар бир инсон қалбиде ўз онаси, опа-сингилси, рафиқаси ва қизларига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуси сўнмайди. Ана шу туйғу туфайли инсонлар ўртасиде меҳр-оқибат, шафқат, мурувват сингари муқаддас тушунчалар ҳам баҳордаги дов-даратлар сингари куртак чиқариб, гуллаб, кўзларни яшнатиб кўнгилларга завқ бераверади.

Биз ҳам вилоятимиз хотин-қизларини анъанавий байрамлари билан чин юракдан қутлаб, бу санага бағишланган мақолаларимизни рўзномаимизнинг 4- ва 5-саҳифаларида эълон қилаётимиз.

ЗАМИНИ ЯХШИ БЎЛГАНДИ

ОҚҚУРҒОН ноҳияси меҳнатқашлари эртаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришига алоҳида эътибор бермоқдалар. Кеч кузда экилган 1519 гектар ердаги буғдой, 60 гектар ердаги арпа, 107 гектар жойдаги пшэ ва 8 гектардаги саримсоқ шёвэллар тўлиқ кўкариб турибди. Озиқланттириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Ноҳияда 412 гектар майдондаги бог-роғларга шакл берилди ва узумзорларнинг сўрилари бир чеккадан таъмирлаб чиқилди.

Янги боглар барпо қилиш ишлари Навоий ва «Ленинобод» жамоа хўжаликларида изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, районда эртаги картошкани экинга ҳам барвақт киришилди. «Маданият», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида етарли миқдорда жамғарилган картошка уруғи ундиринга қўйилди.

Тупроқ етилиши билан эртаги сабзавотларни ўз вақтида экиб олиш учун бор имкониятлар ишга солинади.

П. ЭРГАШЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЖУН ВА ҚОРАҚЎЛНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИ ҲАҚИДА

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1992 йил 1 мартдан бошлаб қоракўлнинг харид нархи ҳар донаси учун ўрта

ҳисобда 600 сўм, жуннинг ҳар килограмми учун ўрта ҳисобда 120 сўм қилиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республи-

касининг моллия вазирлиги қорасул ва жуннинг янги харид нархлари преёскурантларига бир ҳафта ичида аниқлик киритиб, етиштирувчиларга ва тайёрлаш ташкилотларига етказсин.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори

И. КАРИМОВ.

НАВРЎЗ—92

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИГИЛИШИ

Яқинлашиб келатган Наврўз байраминга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Тошкент вилоят ҳокимининг фармони билан ташкилланган ташкилий қўмита-

нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари миллий байрамимиз бўлмиш Наврўзга тайёргарликнинг бориши билан боғлиқ бўлган масалалар қандай ҳал эти-

лаётганлигини муҳокама қилдилар. Жумладан, Чирчиқ шаҳрида бу борада амалга оширилмаётган ишлар хусусида Чирчиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф. Ю. Халилова ахбороти тингланди. Шунингдек, Наврўз муносабати билан ташкил этиладиган шанбалик, телемарафон ва бошқа тадбирлар-

нинг ижроси ҳақида ҳам гап борди. Вилоят ижтимоий-таъминот, соғлиқни сақлаш, маданият бошқармалари, шунингдек, санэпидстанция раҳбарларининг ахборотлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Вилоят ноиблари ва бошқарма раҳбарларидан иборат бир гуруҳ ўртоқлар

Наврўз байрамини ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш учун вилоятимизнинг район ва шаҳарларига масъул қилиб белгиландилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари ва ташкилий қўмита раисининг муовини Х. Ҳ. Ҳамидов бошқарди.

[Боши 2-бетда].

15.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан].
15.20 Кўрсатувлар тартиби.
15.25 «Бугун ва ўша пайтларда».

18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.05 «Досье».
19.30 Режиссёр Г. Данелия фильмлари.

«ДУБЛЬ IV» «Россия» канали

8.00 Хабарлар.
8.20 Испан тили, 1-йил шуғулланганлар учун.
8.50 Ишдан бўш пайтингида.

12.25 «Севги изҳори».
12.40 Камера ўтмиши тадқиқ этади.
13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала.

19.05 Ишдан бўш пайтингида. «Диққат, суваратга олапман».
19.20 «Россия билан юзма-юз».

Жума, 13. III

УзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.25 «Куйла, дуторим».
8.50 «Холодильникда кимдир бор».

одам. Бадий фильм. 2-серия.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

Уқув кўрсатувлари
10.30 Зоология. Йиртқич ҳайвонлар.
11.00 «Баҳорги ҳибон».

6.00 «Тонг».
8.30 Кўрсатувлар тартиби.
8.35 Болалар учун фильм.

18.00 Янгилликлар.
18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 В. Валиуллин чалади [гармон].

9.50 Ишдан бўш пайтингида. «Диққат, суваратга олапман».

18.00 Янгилликлар.
18.10 «Кузя учун уй».
18.35 Тижорат канали.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
18.05 «Саҳий эртанг».
18.30 «Хунар—симу зар».
19.30 «Ахбор» [рус тилида].

12.00 Янгилликлар.
12.20 «Сабҳатчилар клуби» [сурдо таржимаси билан].

19.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар».
19.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони».

15.55 «Бизнес ва ўзим ҳақимда».
16.05 «Сиз учун Михаил Новажикич муйлайди».

«ОРБИТА IV» I канал Останкино

21.00 «Муслиқий учрашулар».
22.20 «Муҳаббат риштаси».
00.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

«ОРБИТА IV» I канал Останкино

7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
8.30 Кўрсатувлар тартиби.
8.35 «Алешанинг эртақлари».

«ДУБЛЬ IV» «Россия» канали

8.20 «Ишбилармон кишилар даври».
9.20 Инглиз тили, 1-йил шуғулланганлар учун.

18.20 ТрансРосэфир: «Европа—Осиё» (Оренбург).
19.05 «Версия».
19.20 Ишдан бўш пайтингида.

Шанба, 14. III

УзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».
9.00 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа».
10.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.

УзТВ II
АШХОБОД КЎРСАТАДИ:
12.05 Спорт кўрсатувлари [рус тилида].

14.00 Янгилликлар.
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «КТВ-1» ҳамда «Франс-тернациональ» канали.

21.00 Янгилликлар.
21.20 Кўрсатувлар тартиби.
21.25 Ойна жажонда биринчи марта.

10.00—13.15
ЎЗБЕКISTОН
ТЕЛЕВИДЕНЕСИНИНГ
«ДУСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

Якшанба, 15. III

УзТВ I

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Биргаликда куйлаймиз».
8.55 «Соат занг урар экан».

бектелефильм» премьераси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Якшанба оқшомида».

«ОРБИТА IV» I канал Останкино

8.00 Ритмик гимнастика.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 Кўрсатувлар тартиби.

«ДУБЛЬ IV» «Россия» канали

8.00 Хабарлар.
8.20 «Сиз яратган бог».
8.50 Мультифильм.

13.15 «Познер ва Донахью».
АҚШдан ҳафталик кўрсатув.
14.10 Эълонлар.

УзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ:

9.05—13.00 Қирғизистон телевиденесининг болалар студияси кўрсатади.

15.00 Янгилликлар.
15.20 Кўрсатувлар тартиби.
15.25 Катталар учун мультифильмлар.

19.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан].
19.15 Кўрсатувлар тартиби.

10.05—13.20
ЎЗБЕКISTОН
ТЕЛЕВИДЕНЕСИНИНГ
«ДУСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

22.00 «Яқунлар».
22.45 Вячеслав Зайцевнинг моделар театри.

«ДУБЛЬ IV» «Россия» канали

8.00 Хабарлар.
8.20 «Байрам» (Саратовдан кўрсатилади).

10.05 «Жаҳон ва биз».
10.35 «Дидар» (қозоқ тилида).

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» рўзномасининг 6 март сонидан олинди.

Оҳангарон янгиликлари

МАҲАЛЛАЛАРДА ДҲКОНЛАР

● **НОҲИЯНИНГ** Қорахотой қишлоғидаги Булоқ ва Тутзор маҳаллаларида янги озик-овқат дўконлари очилиб, аҳолига хизмат кўрсата

● **ОҲАНГАРОННИНГ** доқ марказида янги «Наврўз» ошхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳар томонлама қулай бўлган бу ошхонада хўрандалар миллий таомлар билан бирга турли ичимлик ва шарбатлар ҳам харид қилишлари мумкин. Ошхонанинг яна бир афзаллик томони шундаки, бошқа жойлардаги ошхоналарга қара-

ЯНГИ МАСЖИД БИНОСИ

● **НОҲИЯ** марказида янги масжид биносининг қурилиши поёнига етказилаётир. Диндорлар, ноҳия меҳнаткашлари, саноат ва қурилиш ташкилотларининг ҳайрия-

● **НОҲИЯДАГИ** 12-ўрта мактабда одатдагидан ташқари дарс бўлиб ўтди. Мактабга ташриф буюрган Ўзбекистон экстрасенслар уюшмасининг аъзоси, шонра Севара Вафо 11-синф ўқувчиларига руҳият, қадрият, одоб-ахлоқ нормалари тўғрисида икки соатлик дарс ўтиб берди. Пировардида меҳмон ўқувчиларнинг қизиқтирган саволларига жавоб қайтарди. Шунингдек, ўқувчи ва муаллимлар ўртасида руҳий

бошлади. Бу савдо дўконлари халқнинг шахсий жамғармаси ҳисобига ҳашар йўли билан бунёд этилди. Энди маҳалла аҳли нон, ун, ёр гуруч ва бошқа кундалик эҳтиёж молларини харид қилиш учун қишлоқ марказидаги катта дўконга бормайдиган бўлишиди. Озиқ-овқат дўконларининг ишга тушишида қишлоқ шўроси ноиблари Турғунбой Қўчқоров ва Соатали Шукуровларнинг алоҳида хизматлари бор.

«НАВРЎЗ»ГА МАРҲАМАТ!

ганда овқатларнинг нархи ҳам арзон, ҳам мазалидир. Қани, «Наврўз»га марҳамат!

ларидан тушган жамғарма пуллар ҳисобига бунёд этилаётган бу масжид биносида яқин кунлар ичида бир йўла мингдан ортиқ киши номоз ўқиш имконига эга бўлади. Шунингдек, масжид биносидан инкоҳ, эски ўзбек ёзувини ўрганиш хоналари ҳам очилади. Масжид қурилишига меҳнат фахрийси Қўшимбой Азимбоев бошчилик қилмоқда.

РУҲШУНОС ДАРС ЎТДИ

таъсир этиш усуллари билан муолажа сеанслари ўтказди. Мактаб боғида эса эсдалик тариқасида дарахт кўчати экилди.


М. ҚАЙУМОВ.



ЎЗБЕКИСТОН ойнаи жаҳонда халқимизнинг эътиборини қозонган «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» телекўрсатувининг қайтадан тикланиши кўпчиликка манзур бўлди. Бу кўрсатувнинг томошабинлар меҳр-муҳаббатига сазовор бўлишида «Ешляк» бош муҳарририятининг режиссёри Мираббос Мирзааҳмедов ва уни олиб борувчи Шариф ҳожи Валижоновиинг хизматлари каттадир. Суратда: М. Мирзааҳмедов ва Ш. Валижонов навбатдаги кўрсатувга тайёргарлик кўришмоқда.

Суратнам Эркин МУҲАММЕДОВ.

РАССОМ ҲАЖВ ҚИЛАДИ



Бозордаги «илони». Инзаилар муаллифи Ш. СУБХОЎНОВ.

Вой, қўлим қалтирмай ўлсин, 100 «болага» та олувдим-а...

СПОРТ

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

ТОШКЕНТДА рус шашкаси бўйича эриқлар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигига яқун ясалди. 64 каттали тахталарда ўтказилган бу мусобақалар ниҳоятда қизгин баҳсларга бой бўлди. Яқиндагина Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги чемпионатида иштирок этиб, кумуш медаль совриндори бўлган Николай Мешчанский республика биринчилигини ҳам кўтаринки руҳда ўтказиб 13 имкониятдан 9 очко жамғарди ва Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди.

8,5 тадан очко тўплаган икки шашкачи: тошкентлик халқаро тоифадаги спорт устаси Сергей Давидов ҳамда андижонлик ёш спортчи Абдуқодир Тоштемировлар иккинчи ва учинчи ўринларни олишди. Коэффициент жиҳатидан устунликка эга бўлган Абдуқодирга кумуш медаль топширилди. Шундай қилиб тошкентлик Н. Мешчанский ва андижонлик А. Тоштемировлар Калуга шаҳрида бўладиган МДХ чемпионатининг саралаш мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Фахрли тўртинчи ўрин эса тошкентлик 73 ёшли спортчи Шариф Екубовга насиб этди.

И. БИРБРАГЕР.

ЭЪЛОН

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 28 февралдаги 90-қарорига мувофиқ 1992 йил 1 мартдан эътиборан бензин эркин нархларда сотиладиган барча автомобиль ёнилғи қуйиш станцияларида барча турдаги автобензин (А-72, А-76, АИ-91, АИ-92, АИ-93) бозор фондининг 80 фоизи 1 литри 6 сўм нархда тижорат баҳоларида сотилмоқда.

Автобензинни имтиёзли нархлар бўйича олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга барча турдаги автобензин 1 литри 2 сўмга (купон билан) махсус талонлар бўйича сотилади. Махсус талонларни

ЭЪЛОН

олиш учун яшаш жойдаги район ижтимоий таъминот идораларига мурожаат қилиниши керак. Тошкент нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ШУНИНГДЕК, МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ШАХСЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилоят ижарачи ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси

1992 йил 1 мартдан бешлаб макулатуранинг ҳар бир тоннаси 500 сўм ҳисобидан қабул қилиб олинади ва ҳисоб-китоб қилинади.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.